

БОШ МАҚСАДИМИЗ СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШДИР

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур.

Шавкат Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Республикамызда олиб борилаётган кенг камровли ислохатлар самараси бугунги кунда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Мамлакатда мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, мулкдорлар синфининг тўла шаклланиши юртимизда ишлаб чиқариш салмоғини ошириб, маҳсулот мўллиги, ички ва ташқи бозорда унинг рақобатбардошлигини таъминламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида, иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қискартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш - ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади, дея алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Ҳозирда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот салмоғида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши қарийиб 60 фоизга етгани республикамызда бу борада олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғрилигидан далолат беради. Давлатимизда 2030 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришиш ва бунда озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг бош стратегияси этиб белгиланди. Президентимиз ўз маърузаларида кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувлиқни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шаротлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва oilасини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади... Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади, дея таъкидлаганларида инсон манфаатлари ҳар нарсадан устун эканлигини таъкидлаган эдилар. Ютуқлар сари одимлаш, бир ёқадан бош чиқариб доимо янги марраларни кўзлаб меҳнат қилиш халқимизга хос фазилатдир. Бундай таъриф, берилган бундай баҳо халқимизнинг матонати, ҳар қандай вазиятда ҳам бирдамлик, жипслиқни

сақлаган ҳолда олға одимлашига сабаб бўлади. Юртимиздаги деярли ҳар кунги ўзгаришлар, бунёдкорликни кўриб бобомиз Амир Темурнинг, бизнинг қудратимизга шубҳа қилганлар, биз қурган биноларни кўрсин, деган сўзлари ёдга тушади. Ҳа, бу юрт, бу халқ ана шундай эътирофларга арзийдиган оламшумул ишларни бошида туришга арзийди. Буларнинг барчасининг замирида дунё иқтисодчилари орасида “Ўзбек модели” номи билан машҳур бўлган мамлакатни ривожлантиришнинг мақбул стратегияси ҳам истиқлолимиз номи билан ўрганилмоқда, ўрناق олинмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда сифатли, инсон салорматлиги учун хавфсиз бўлган истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ кондириш, мақбул нархлар бўйича кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан халқимизни тўлиқ таъминлаш давлатимиз ва ҳукуматимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Албатта уларнинг сифатини таъминлаш “Ўзстандарт” агентлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар олдида муҳим вазифаларни юклайди.



Барча соҳалар каби стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш тармоғи ҳам истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб узвий равишда ривожлантириб борилмоқда. Айтиш мумкинки, агентлик жаҳондаги турдош идоралар билан тенг нуфузга эга бўлган ташкилот сифатида шакллантирилди.





Бу борада 1992 йилда ҳукуратимизнинг “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш бўйича ишларни ташкил қилиш” тўғрисидаги қарорининг қабул қилиниши соҳа ривожидида муҳим аҳамият касб этди.

Шу билан бирга тармоқ ривожини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, ҳукурат қарорлари қабул қилинди. Агентлик таркибидаги лабораториялар мунтазам равишда замонавий ўлчов ва синов жиҳозлари, ускуналари билан жиҳозлаб борилаётти. Бу билан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган ва четдан келтирилаётган маҳсулотларнинг истеъмол учун хавфсизлигини таъминлашга замин яратилди. Тизим ташкилотлари эса замонавий билим ва тажриба, дунё давлатлари тилларида бемалол сўзлаша оладиган етук мутахассислар билан таъминланмоқда.

Бир қатор халқаро ташкилотлар, хусусан, ИСО-Халқаро стандартлаштириш ташкилоти, OIML-Халқаро қонунлаштирувчи метрология ташкилоти, ILAC-Халқаро лаборатория аккредитация ҳамкорлиги, КОOMET-Евро-Осиё миллий метрология институтлари ҳамкорлиги, МАС-Стандартлаштириш бўйича минтақалараро уюшма, МГС-Давлатлараро стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш кенгашлари, Корея Республикасининг KOICA ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйгани, агентликнинг жаҳон миқёсида давлатимиз номидан соҳага оид сиёсатни олиб боришини таъминлади.



Корхоналарда халқаро ИСО 9001 “Сифатни бошқариш тизими”нинг жорий этилаётгани эса юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошираётти. Агарда жорий йилнинг 3 чораги давомида 600та корхонада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш режалаштирилган ҳолда амалда 623та корхонада ушбу тизим жорий этилди.

Ҳа, Ўзбекистонимиздаги тинчлик, хотиржамлик, халқимизнинг аҳиллиги буюк мақсадларга эришишимизнинг бош сабаби бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган йиғилишда таъкидлаб ўтганидек, одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очик мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш-аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади, дея таъкидлаган эдилар. Тадбиркорлар ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш хизматлари кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ташкил этилган “Сайёр қабул” ташкил этилиб, республикамизнинг барча вилоятлари, ҳатто олис туманларида ҳам учрашувлар ташкил этилмоқда. Агентлик Бош директорининг вертуал қабулхонаси ишга тушурилди. Буларнинг барчасининг замирида бир нарса муҳим, у ҳам бўлса ҳар бир соҳада ютуқларга эришиб, элга, юртга хизмат кўрсатишни дунё андозалари даражасида йўлга қўйишдан иборатдир.

Мана, 2016 йил ҳам ортда қолди. Янги 2017 йил ҳам Ўзбекистонимиз учун ютуқларга бой, юксак тараққиёт йили бўлсин. Элимиз, юртдошларимизнинг кўнгилларини софлик, беғуборлик тарк этмасин.

Қалбларимиздан шоду-хуррамлик,
гурур ва ифтихор туйғулари аримасин.
2017 йил барчамизга, жумладан агентлигимиз тизимида меҳнат қилаётган жамики ҳамкасбларимизга омадли,
барокатли келиб, хонадонларимизни муҳом бахт, иқбол, хотиржамлик тарк этмасин!

Элимизнинг ризқи бутун, келажаги порлоқ бўлсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз Ватандошлар, муҳтарам ҳамкасблар!

Ақтам ХАЙТОВ

“Ўзстандарт” агентлиги Бош директори

